

SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

2/S-son (4-jild)

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ S/2 (4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холиқулов Ахмаджон Боймаҳамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Ҳожаев Азизхон Саидалоҳонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудир;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Қаюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохидат Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Караматдиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

Содиқова Шоҳида Мархабобевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атақулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

Полвонов Козимбек

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ШАҲАРЛАРИ ТОПОНИМИГА ОИД
МАЪЛУМОТЛАР 10-15

Hadjamuratova Matlyuba

МАКТАВГАСНА ТА’ЛИМДА БОЛАЛАРНИ ИЈТИМОЙ НИМОYA QILISHGA INNOVATSION
YONDOSHUVNING DOLZARBLIGI 16-21

Шовкатов Шокир Шовкат ўғли

АБУЛ-ЮСР ПАЗДАВИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЁНДАШУВЛАР 22-31

Mo‘minov Xusanboy Madaminjonovich, Qodirjonov Omadjon Tavakkaljon o‘g‘li

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA SUD QONUNCHILIGIGA KIRITILGAN O‘ZGARISHLAR VA
ULARNING ANAMIYATI 32-36

Пардаев Асрор

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНИ ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ
МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ 37-42

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Умурзақова Мўътабархон Нодир қизи

ЖАХОНДА ТИББИЙ СУҒУРТА ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ 43-52

Рахманов Зафар

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ДЕПОЗИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИНИ БАҲОЛАШ 53-62

Аминов Фазлитдин Бахадирович

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ СЕМЕЙНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В ЭКОНОМИКЕ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН 63-70

Курбонова Шахриноз Авазхоновна

ИҚТИСОДИЁТНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР
ТАҲЛИЛИНИ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ 71-81

Azimova Hulkar Egamberdiyevna

KREDIT PORTFELINI SAMARALI BOSHQARISHDA TIJORAT BANKLARINING O‘RNI 82-87

Rajabov Orzujon Mamasoliyevich

LOGISTIKA XIZMATLARINI KO‘RSATISHDA BUYUMLAR INTERNETI (INTERNET OF
THINGS)DAN FOYDALANISH 88-93

Саидов Сарвар Хайруллоевич

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИДА БОШҚАРУВ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
БОРАСИДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ 94-104

Сержанов Аймурат Медетбаевич

ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ БАНКЛАР ХИЗМАТЛАРИНИ ЯРАТИШ
ЗАРУРИЯТИ 105-111

Туробов Шерзод Алишеревич, Ибодуллаев Зафар Ибодуллаевич

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХОРИЖ
ТАЖРИБАСИ 112-119

Daniyarova Feruza Baxriddinovna, Chinorova Shahodat Mansur qizi

O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTIGA HORIJIIY INVESTITSIYALARNI JALB QILISH
YO‘LLARI 120-126

Temirova Feruza Sagdullayevna
XULQ-ATVOR IQTISODIYOTI VA BRENDGA SODIQLIK 127-132

Sharipova Shaxzoda Xasanovna
YANGI O‘ZBEKISTONDA TURIZM MADANIYATINI YUKSALTIRISH ISTIQBOLLARI 133-138

09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

Алимова Шахноза Хамидовна
НОГИРОНЛИГИ БОР ЁШЛАР - АЛОҲИДА ХУСУСИЯТГА ЭГА ИЖТИМОЙ-ДЕМОГРАФИК
ГУРУҲ СИФАТИДА 139-147

Асракулова Адиба Набиевна
“ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ” НИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ
ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ
АҲАМИЯТИ 148-154

10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Teshabayeva Dilfuza Muminovna
LEXICAL PROBLEMS OF TRANSLATING THE NAMES OF NEW PHENOMENA IN MASS
MEDIA 155-160

Rustamov Ilhom Tursunovich, Inog‘omjonova Robiya Rustamjon qizi
INTERFERENSIYA HODISASINING TILDA AKS ETISHI XUSUSIDA OLIMLARNING
TADQIQOTLARI VA QARASHLARI 161-165

Abdikhmidova Sevinch Obidjon kizi
PROBLEMS FACED IN TRANSLATING PROPER NOUNS 166-170

Djurakulova Elmira Suyunova
SHOYIM BO‘TAYEV ROMANLARIDA BADIY XRONOTOP VA MIFOLOGIK TALQIN 171-177

Dalieva Madina Khabibullaevna
THE ROLE OF BLENDING THEORY IN POLYSEMY AND METAPHOR 178-183

Жўраева Ирода Ахмедовна
ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК АНТРОПОНИМИК ЛУҲАТЛАР ТИПОЛОГИЯСИ 184-189

Iminova Shahnoza-Begim Bahodirovna
INGLIZ TILIDA INSONNING IJOBIY AQLIY XUSUSIYATLARINING IFODALOVCHI
BIRLIKLARINING KONSEPTUAL, LINGVO-MADANIY XUSUSIYATLARI 190-193

Irgasheva Shoxida Sadriddinovna
INTERNET DISKURSIDAGI IQTISODIY NEOLOGIZMLARNI TARJIMA QILISH
XUSUSIYATLARI 194-200

Tursunova Zarina Farxodovna
LINGVISTIKADA EMOTLARNI O‘RGANISHGA ZAMONAVIY YUNDASHULAR (INGLIZ TILI
ASOSIDA)..... 201-205

Satibaldiyev Erkinjon Kamilovich
PARADIGMATIC SOUND INTERFERENCE IN THE ENGLISH SPEECH OF
TURKOPHONES 206-212

Radjabova Hafiza Shukrulloevna
INGLIZ VA O‘ZBEK TERMINOLOGIYASINING METODOLOGIK ASOSLARI 213-220

Avezova Dilovar Salimovna
TAXALLUSLARNI O‘RGANISHNING NAZARIY JIHATI 221-225

<i>Alikberova Kamila Adhamovna</i> A CRITICAL ANALYSIS OF LANGUAGE USE AND LANGUAGE ACQUISITION	226-232
<i>Rakhmatova Bahara Ibodulla qizi</i> THE ROLE OF LEGAL DISCOURSE IN MODERN LINGUISTICS	233-238
<i>Valieva Nargizakhon Zamir kizi</i> COMPARATIVE ANALYSIS OF “KITE RUNNER” AND “A THOUSAND SPLENDID SUNS” BY KHALED HOSSEINI: THEMES, CHARACTERS, AND SOCIOPOLITICAL CONTEXT	239-244
<i>Mamatqulova Zilola Rejabaliyevna</i> RISHTON KULOLCHILIK MAKTABI KASB-HUNAR LEKSIKASINING STUKTURAL TASNIFI	245-251
<i>Alimova Kamola Tursunovna</i> CHALLENGES IN PREPARATION OF GUIDE TRANSLATORS	252-258
<i>Сейтумбетова Айкумар Пулатбаевна</i> ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ В АНГЛИЙСКОМ, РУССКОМ И КАРАКАЛПАКСКОМ ЯЗЫКАХ.....	259-264
<i>Бегжанова Айсилу Махмудовна</i> ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА КОМПЬЮТЕР ЛИНГВИСТИКАСИ ТЕРМИНЛАР ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	265-270
<i>Kubanova Ilmira Sharifovna</i> EXPLORING ABBREVIATED RAILWAY TERMINOLOGY IN ENGLISH: A COMPREHENSIVE ANALYSIS	271-275
<i>Azamjonova Sarvinoz</i> USE OF TOPONYMS IN MODERN FRENCH MEDIA	276-282
12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР	
<i>Muxiddinova Dildora Muxiddinovna</i> O‘ZBEKISTONNING BOJXONA FAOLIYATIGA KIOTO KONVENSIYASINI JORIY ETISHNING HUQUQIY JIHLTLARI VA JSTGA A‘ZOLIKNING TA‘SIRI	283-292
<i>Asadov Eldorjon Nizomiddin o‘g‘li</i> SOLIQ NAZORATI HUQUQIY ASOSLARINI TAKOMILLASHTIRISH DAVLAT MOLIVAVIY NAZORATI INSTITUTINING MUHIM OMILI	293-298
<i>Mustanov Ixom Abdivalijonovich</i> BANK QONUNCHILIGINI BUZGANLIK UCHUN JAVOBGARLIKNING NAZARIY-HUQUQIY JIHLTLARI	299-304
<i>G‘oyibov Jo‘rabek Choriyevich</i> YOSHLAR MIGRATSIYASI: MUAMMO VA YUTUQLAR TAHLILI	305-309
13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ	
<i>Kuziyev Otabek Chuliyevich</i> TALABALARDA AXBOROT MODELLASHTIRISH KO‘NIKMASINI SHAKLLANTIRISHNING MUHIM UCH BOSQICHI	310-314
<i>Fattaxova Diloram</i> TIL O‘QITISHDA FOYDALANILADIGAN KOMPYUTER METODLARI	315-321
<i>Moydinova Elmira</i> APPLICATION OF FLIPPED LEARNING METHODS IN THE UNIVERSITY	

CLASSROOM	322-326
<i>Xodiyeva Gulhayo Hasan qizi</i>	
ZAMONAVIY BOSHLANG'ICH TA'LIMDA 4K MODEL KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISHGA INTEGRATIV YONDASHUVNING MOHIYATI	327-333
<i>Doniyorova Gulrux Shoniyozovna</i>	
AVTOMOBILSOZLIK YO'NALISHI TALABALARINING KASBIY KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISHDA DASTURIY VOSITALARNING AHAMIYATI	334-338
<i>Jumaniyozova Muhayyo Tojiyevna</i>	
RIVOJLANTIRUVCHI TA'LIMINING ASOSIY NAZARIYALARIDA TA'LIM OLUVCHINING ANALITIK QOBILIYATINI SHAKLLANTIRISH MUAMMOLARI	339-344
<i>Xo'jamberdiyeva Dilfuza Ikramovna</i>	
DARSLIK BILAN ISHLASH O'QUVCHILARNING AXBOROT KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH VOSITASI SIFATIDA	345-351
<i>Mamaraimov Bekzod Qodirovich</i>	
O'QUVCHILARNING TADQIQOTCHILIK KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH VA ULARNING QIDIRUV FAOLIYATIGA TAYYORLIGI	352-356
<i>Xudayberdiev Nurislam Nuralievich</i>	
BO'LAJAK O'QITUVCHILARINING RAQAMLI KOMPETENTLIGINI SHAKLLANTIRISHNING TASHKILIIY-PEDAGOGIK MEXANIZMI	357-363
<i>Qarshiyev Jamshid Murotaliyevich</i>	
TALABALARINING O'QUV FAOLIYATI VA ILMIY IZLANISHLARIDA SUN'IY INTELLEKT: IMKONIYAT VA CHEGARALAR	364-369
<i>Teshaboyeva Shahodat</i>	
ZAMONAVIY SHAROITDA SHAXSNING KASBIY HUQUQIY MADANIYATI	370-375
<i>To'rayeva Dilnoza Ismoilovna</i>	
RAQAMLI TA'LIM MUHITIDA BO'LAJAK O'QITUVCHINING KASBIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH USLUBIY TAYYORGARLIKNING BIR QISMI SIFATIDA	376-380
<i>Beknayeva Shaxnoza Vladimirovna</i>	
MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARIDA INSON RESURSLARINI BOSHQARISHDA INNOVATSION JARAYONLAR	381-388
<i>Dusyarov Salimjon Xudaymurotovich</i>	
HARAKATLI O'YINLAR ASOSIDA MAKTAB O'QUVCHILARIDA JISMONIY MADANIYATNI SHAKLLANTIRISH	389-393

Рахманов Зафар,
PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),
Тошкент ижтимоий инновация университети
Ўқув ишлари бўйича проректори

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ДЕПОЗИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Аннотация: Мазкур мақолада тижорат банклари жамланма балансида кузатилаётган ўзгаришлар ва ундаги стратегик тенденциялар таҳлил қилинган, банк тизимига жалб этилган миллий ва хорижий валютадаги депозитларнинг таркибий тузилмаси ҳамда улар бўйича юзага келган ўртача фоиз ставкалари динамикаси баҳоланган, макро ва микроиқтисодий омилларнинг тижорат банклари депозит сиёсати ва хизматларига таъсир даражасининг таҳлили амалга оширилган. Шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг вақтинчалик бўш маблағларини миллий ва хорижий валютадаги омонатларга жалб қилиш жараёнларини фаоллаштириш юзасидан таклифлар шакллантирилган.

Калит сўзлар: депозит, фоиз ставкаси, депозит хизматлари, валюта, инфляция, мажбурий захира, пул маблағлари.

Rakhmanov Zafar,
PhD in Economics, Vice-Rector for Academic Affairs of
Tashkent University of Social Innovation

ASSESSMENT OF TRENDS IN THE DEVELOPMENT OF DEPOSIT OPERATIONS IN COMMERCIAL BANKS

Abstract. This article analyzes the changes observed in the balance sheet of commercial banks and strategic trends in it, evaluates the structural structure of deposits in national and foreign currencies attracted to the banking system, and the dynamics of average interest rates arising from them, analyzes the level of influence of macro- and microeconomic factors on the deposit size policy and services of commercial banks banks. Proposals have also been formed to attract temporarily available funds of individuals and legal entities for deposits in national and foreign currencies.

Key words: deposit, interest rate, deposit services, currency, inflation, reserve requirements, cash.

Рахманов Зафар,
кандидат экономических наук,
Проректор по учебной работе Ташкентского
университета социальных инноваций

ОЦЕНКА ТЕНДЕНЦИЙ РАЗВИТИЯ ДЕПОЗИТНЫХ ОПЕРАЦИЙ В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ

Аннотация: в данной статье анализируются изменения, наблюдаемые в балансе коммерческих банков, и стратегические тенденции в нем, оценивается структурная структура депозитов в национальной и иностранной валюте, привлеченных в банковскую систему, и динамика средних процентных ставок, возникающих по ним, анализируется уровень влияния макро- и микроэкономических факторов на размер депозита политика и услуги коммерческих банков. Также сформированы

предложения по привлечению временно свободных денежных средств физических и юридических лиц на депозиты в национальной и иностранной валютах.

Ключевые слова: депозит, процентная ставка, депозитные услуги, валюта, инфляция, обязательные резервы, денежные средства.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI2Y2024N07>

Кириш. Сўнгги йиллар давомида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инфляция даражасини пасайтириш, нарх-навони шакллантиришда тўлиқ бозор механизмларига ўтиш, иқтисодий фаолият соҳаларида рақобат муҳитини ривожлантириш ҳамда валюта сиёсатини эркинлаштириш борасида олиб борилаётган ислохотларни тижорат банкларининг депозит сиёсатига жиддий таъсир ўтказувчи фундаментал омиллар сифатида қайд этиш мумкин. Ушбу омиллар банклар депозит портфелининг таркибий тузилмаси, динамикаси ва диверсификацияланиш даражаси билан бир қаторда, депозит хизматларини кўрсатиш турлари ва услублари ўзгариши, сифат жиҳатдан тўлиқ трансформацияланишида ўз аксини топмоқда.

Мамлакатимиз банклари томонидан молиявий хизматларни кўрсатишда инсон омили таъсирини камайтириш, банк секторини иқтисодий трансформацияси ва жамият эҳтиёжларига мос равишда ривожланишини таъминлаш бўйича ислохотларни амалга оширишда маълум натижаларга эришилмоқда. Шу билан бир қаторда, банк тизимини модернизация қилиш банк хизматлари ва маҳсулотларининг оммабоплигини янада ошириш билан барча аҳоли яшаш жойларида банк хизматлари турларини кенгайтириш, банк тизимига замонавий сервис ечимлари асосида ахборот ва молиявий технологияларни кенг жорий этиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Тижорат банклари томонидан олиб борилаётган депозит сиёсатини такомиллаштириш ва депозит хизматлари самарадорлигини ошириш борасида кўплаб хорижий ва маҳаллий олимлар ҳамда илмий тадқиқотчилар изланишлар олиб боришган.

Жумладан, D. Babasyan, Yu. Gu, M. Melecky томонидан тайёрланган “Late Banking Transitions. Comparing Uzbekistan to Earlier Reformers” номли мақоласида Ўзбекистон банклари томонидан тақлиф этилаётган банк хизматларига аҳоли ишонч даражасини ошириш, ички депозитларни жалб этиш бўйича ишларни фаол олиб бориш жараёнларини рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш масалалари ўрганилган [1; Б. 12].

Дирк Ф. Геррицен ва бошқалар томонидан ёзилган “Банк коммутацияси ва депозит ставкалари: инқироз ва инқирозсиз йиллар учун далиллар” номли илмий ишда аҳолининг банкларга депозит жойлаштириши уларнинг фоиз ставкасига боғлиқ эканлигини таъкидлашган. Аммо бу боғлиқлик иқтисодий инқироз бўлмаган даврга тўғри келса, иқтисодий инқироз даврида эса депозитлар асосан йирик банкларга жойлаштирилиши кузатилган. Хатто аҳолининг бу истакларига депозитларни суғурталаш механизми ҳам таъсир қилмаслигини аниқлашган [2; Б. 17-18].

Ўзбекистонлик тадқиқотчи Ш.Б.Рузметов ўзининг “Ўзбекистон тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлаш йўллари” номли илмий ишида депозит портфелининг таркибий тузилмаси ва унинг банк фаолияти барқарорлиги ва ликвидлигининг мақбул даражасини таъминлашюзасидан илмий изланишлар олиб борган [4; Б. 6-9].

Бундан ташқари, И.Б.Жураевнинг илмий тадқиқотларида трансформацион рискларга эътибор қаратилган бўлиб, тижорат банклари депозит базаси уларнинг рискли активлари билан бевосита боғлиқликда бўлиб, ушбу боғлиқликни, яъни мувозанатни бузилиши трансформацион рискни вужудга келишига олиб келиши борасида илмий мулоҳазалар келтирилган [3; Б. 12-13].


Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолани тайёрлашда таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, илмий абстракциялаш ва бошқа тадқиқот усуллардан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Авваламбор, тижорат банклари фаолиятига таъсир ўтказиб келаётган асосий ҳолатларга эътибор қаратамиз. Фикримизча, улар қуйидагилардан иборат:

биринчидан, инфляцион жараёнлар кучайтирувчи ташқи омиллар сифатида жаҳонда товар ва хомашё нархларининг кескин тебраниши, логистика ва етказиб беришдаги узилишларни (ялпи таклифни қисқартириши эвазига), ички омиллардан, ойлик даромадларнинг ошиши, бозорлардаги рақобат шароитлари ва таъминотдаги узилишлар ҳамда пул ўтказмалари ҳажмининг ўсишини (истеъмол талаби томонидан) келтириш мумкин. Ташқи ва ички омилларнинг турли хил кўламдаги таъсирлари 2022 йилнинг январь-сентябрь ойларида йиғма инфляцияни 8,1 фоизгача (аввалги йилларнинг мос даврига нисбатан 1,8-2,2 фоиз пунктига юқори), йиллик инфляцияни эса 12,2 фоизгача тезлашишига сабаб бўлди. Шунингдек, умумий инфляция билан бир қаторда базавий ва қисқартирилган инфляция кўрсаткичлари ҳам 2022 йилнинг апрель ойидан бошлаб ўсувчи динамикани намоён эта бошлади. Жорий йилнинг апрель-сентябрь ойларида мамлакатимизда кузатилган инфляцион жараёнлар кенг қамровли (broad-based) хусусиятга эга бўлди. 2022 йилнинг январь-апрель ойларида нархлари 10 фоиздан юқори ошган товар ва хизматларнинг истеъмол нархлари индекси (ИНИ) саватидаги вазни 30-40 фоизни ташкил этган бўлса, сентябрь ойида нархлари ушбу даражада ошган товар ва хизматларнинг вазни 55 фоизгача кўпайди. Мазкур ҳолат, нархлари 15 ва 20 фоиздан юқори ўсган товар ва хизматлар гуруҳларида ҳам намоён бўлди [9];

иккинчидан, 2022 йилнинг биринчи ярим йиллигида импорт инфляцияси тезлашди. Мамлакатимизнинг истеъмол товарлари таркибида импорт товарлари улуши ўсиб бормоқда. 2022 йил биринчи чорак охири ва иккинчи чоракда импорт инфляцияси бир қанча омиллар таъсирида ошиб борди. 2022 йилнинг биринчи ярим йиллигида импорт инфляциясининг асосий омили сифатида ҳамкор давлатларда кузатилган юқори инфляцион жараёнларни қайд этиш лозим;

учинчидан, пул бозоридаги фоиз ставкалари иқтисодиётдаги депозитлар ва кредитлар бўйича фоиз ставкаларига ўтиб, иқтисодиёт субъектларининг қарорларида ўз аксини топмоқда. Жумладан, аҳолининг миллий валютадаги муддатли депозитлари бўйича фоиз ставкалари йил бошидаги 20,2 фоиздан август ойида 21,8 фоизгача кўтарилди. Иқтисодиётда бироз тезлашган инфляцион жараёнлар ҳисобига, ушбу депозитлар бўйича реал фоиз ставкалари йил бошидаги 9,5 фоиздан август ойида 7,8 фоизгача пасайди [9].



1-расм. Тижорат банкларида жалб қилинган депозитлар ва ажратилган кредитларнинг валютавий кесимдаги динамикаси [7], (млрд. сўмда)

Ушбу расмдаги маълумотлар тижорат банклари томонидан жалб қилинган депозитлар таркибида хорижий валютадаги депозитлар салмоғининг етарли даражада катталигидан далолат беради. Хусусан, 2017 йилнинг биринчи январи ҳолатига жами депозитларнинг (37 183 млрд. сўм) 26,9 фоизи (10 007 млрд. сўм) хорижий валютада жалб қилинган бўлса, 2023 йилнинг шу санасига мазкур нисбат 39,2 фоизни (216 737 млрд. сўм ва 84 942 млрд. сўм) ташкил қилган ёки 12,3 фоиз пунктига ошган. Ажратилган кредитлар бўйича хорижий кредитлар салмоғи 2017 йил 1 январидagi 42,7 фоиздан 2023 йил январига 47,4 фоизгача ёки 4,7 фоиз пунктига кўпайган. Мазкур маълумотлар икки муҳим хулосани шакллантириш имконини беради. Биринчидан, хусусий ва давлат улушига эга корхоналар томонидан хорижий валютадаги кредитларга талабнинг нисбатан юқорилиги, иқтисодиётни кредитлашда ташқи молиялаштириш манбалари улушининг устунлиги ва хеджирлаш воситаларининг йўқлиги кредитлар долларлашувининг юқори даражада сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда. Иккинчидан, олдинги даврларда валюта сиёсатидаги чекловлар, аҳолининг миллий валютага нисбатан ишончсизлиги, инфляциянинг нисбатан юқори даражаси, шунингдек, муқобил жамғарма воситаларининг камлиги натижасида банкларда депозитлар долларлашув даражасининг юқори бўлишига сабаб бўлган.

Юқорида келтирилган таҳлилий маълумотлар асосида қуйидаги тенденцияларни қайд этиш мумкин:

яқин истиқболда тижорат банклари ресурс базасида ички ва ташқи манбалардан жалб этилган миллий ва хорижий валютадаги қарз маблағлари салмоғи ошиб бориши ҳисобига банк мижозларининг кредитга бўлган талаби қондириб борилади. Бундай ҳолат: а) нархларнинг глобал ўсиши ва инфляциявий хатарларнинг кучайишига жавобан жаҳон молия бозорларида фоиз ставкаларининг оширилиши натижасида банклар томонидан ташқи ресурсларни жалб қилишда маълум қийинчиликларнинг

юзага келиши; б) миллий валютадаги депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси ошиб бориши; в) миллий валютанинг тўхтовсиз девалвацияси ҳисобига хорижий валютадаги депозитлар ҳажмининг ошиб бориши; г) аҳоли ва тадбиркорлар ўртасида инфляцион кутилмалар юқори даражада қолиши; д) жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги депозитларининг валюта курсининг қисқа муддатли тебранишларига нисбатан юқори сезувчанлиги. Хусусан, 2022 йилнинг I чорагида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан 5,2 фоизга қадрсизланиши жисмоний шахслар депозитлари долларлашувини 34 фоиздан 37 фоизгача оширган; е) молиявий ва корпоратив секторларнинг ташқи қарзлари кўпайиши ҳисобига молиявий айланманинг ўсиши, шунингдек, валюта активлари ва мажбуриятлари тузилмасининг номутаносиблиги банк тизимида валюта риси концентратциясининг кучайишига олиб келиши ва бошқа омиллар билан изоҳланиши мумкин.

Шуни эътроф этиш зарурки, ташқи молиялаштириш манбалари сўнгги йиллар давомида кескин қимматлашган. Гарчи 2022 йилнинг январь-апрель ойларида АҚШ долларидagi кредитлар бўйича ЛИБОР ўртача фоиз ставкалари 0,076-0,773 фоиз оралиғида шаклланган бўлса, 2022 йилнинг сентябрь-декабрь ойларида 2,578 фоиздан 4,067 фоизгача кўтарилган. 2023 йилнинг январь-май ойларида ўртача фоиз ставкалари 4,310 фоиздан 5,020 фоизгача ошган. АҚШ долларидagi кредитлар бўйича ЛИБОР ставкаларининг тўхтовсиз ошиб бориши тижорат банклари учун ташқи молиялаштириш манбаларидан маблағларни жалб қилиш имкониятини чеклаган ҳолда валютага оид рискларни оширувчи омил бўлиб қолади.

1-жадвал

2022 йилда АҚШ долларидagi кредитлар бўйича ЛИБОР ставкаларининг динамикаси [8]

Ойлар	Кун бошида	Кун якунида		Энг юқори даража	Энг қуйи даража	Ўртача
ЛИБОР ставкаси						
2022 йил						
январь	0.072 %	0.077 %		0.079 %	0.070 %	0.076 %
февраль	0.077 %	0.077 %		0.078 %	0.074 %	0.077 %
март	0.077 %	0.332 %		0.332 %	0.077 %	0.198 %
апрель	0.327 %	0.330 %		0.331 %	0.321 %	0.327 %
май	0.330 %	0.822 %		0.827 %	0.330 %	0.773 %
июнь	0.819 %	1.579 %		1.579 %	0.816 %	1.216 %
июль	1.567 %	2.322 %		2.322 %	1.558 %	1.639 %
август	2.312 %	2.316 %		2.324 %	2.307 %	2.315 %
сентябрь	2.320 %	3.065 %		3.072 %	2.311 %	2.578 %
октябрь	3.066 %	3.063 %		3.068 %	3.056 %	3.063 %
ноябрь	3.059 %	3.823 %		3.823 %	3.059 %	3.740 %
декабрь	3.824 %	4.318 %		4.321 %	3.812 %	4.067 %
2023 йил						
USD LIBOR 1 ой	4.401 %	5.469 %		5.480 %	4.384 %	5.145 %
USD LIBOR 3 ой	4.782 %	5.593 %		5.687 %	4.782 %	5.396 %
USD LIBOR 6 ой	5.136 %	5.586 %		5.929 %	4.834 %	5.586 %
USD LIBOR 12 ой	5.447 %	6.041 %		6.041 %	4.703 %	5.469 %

Тижорат банклари жамланма балансидаги трансформацион жараёнлар макроиқтисодий даражадаги бир қатор рискларни юзага келтириши мумкин. Бундай рисклар жумласига юқори инфляция ва ички молиялаштириш манбаларининг етишмаслиги шароитида, сўмдаги кредитлар бўйича нисбатан юқори фоиз ставкалари кредит портфели долларлашув даражасининг ошиши ва банкларнинг валюта курси бўйича рискларга нисбатан заифлашиши, шунингдек, жаҳон иқтисодиётидаги салбий трендларнинг мамлакат иқтисодиётига таъсири кучайиши каби рискларни киритиш мумкин.


Шунингдек, яқин ва узоқ муддатли истиқболда жисмоний ва юридик шахсларнинг вақтинчалик бўш маблағларини миллий ва хорижий валютадаги омонатларга жалб этиш жараёнларини фаоллаштиришда инфляция даражасидан юқори бўлган фоиз ставкаларидан фойдаланиш самарадорлиги пасайиб боради. Хусусан, қимматли қоғозлар бозори етарли даражада ривожланмаганлиги ва тижорат банклари актив операциялари диверсификация қилинмаганлиги тижорат банкларини асосан кредит амалиёти билан чекланишига, шунингдек, ликвидлик бўйича белгиланган меъёрларни бажариш учун маълум миқдордаги маблағларни кассада ва (ёки) Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағида сақлашига сабаб бўлади (2022 якунида йил ушбу кўрсаткич 35 962 млрд. сўмни ташкил этган). Бу натижада, жалб этилган депозитларнинг сезиларли қисми нақд пул кўринишда (касса, вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиқлари) сақланишига олиб келади. Бунда шуни қайд этиш мумкинки, ушбу маблағлар, одатда даромад келтирмайди ва банклар ундирилмаган (бой берилган) фойдани мижозларга тақдим этилаётган кредитлар қийматига (фоиз ставкасига) киритишга мажбур бўлади. Ушбу ҳолат кредитлар бўйича фоиз ставкалари ошиши, ишлаб чиқариш самарадорлиги пасайишига, товарлар ва хизматлар нархи ошиб боришига замин яратади.

Бундан ташқари, тижорат банклари хусусий капитали ва олинган қарзлар ўртасидаги нисбат ошиб бориши банкларнинг ликвидлилик позициясида узоқ муддатли рискларни юзага келтириши мумкинлиги. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2022 йил 4-чораги учун “Пул-кредит сиёсати шарҳи”да қайд этилишича; “2022 йил якунлари бўйича иқтисодиётга ажратилган кредитлар ўсиши 62,5 трлн. сўмни ташкил этди. Кредит қўйилмаларининг асосий манбалари марказлашган маблағлар, банклар томонидан хорижий кредит линиялари фаол ўзлаштирилиши, шунингдек, давлат ва корпоратив облигацияларни жойлаштиришдан олинган маблағлар бўлди”. Бу эса, ўз навбатида, қарзлар ва банк капитали ўртасидаги нисбат масаласига жиддий эътибор қаратилишини тақозо этади. Шу билан бир қаторда, Марказий банк томонидан жами активларда юқори ликвидли активлар улушини ҳар чоракда 1 фоиздан ошириб бориб, 2020 йил июнидан бошлаб 10 фоизгача, юқори ликвидли активларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбатини эса ҳар чоракда 5 фоиздан ошириб бориб, 40 фоизгача етказиш бўйича талабларни ўрнатилиши ички ва ташқи манбалардан жалб этилаётган қарзлар бўйича рисклар ошиб боришига олиб келиши мумкин.

Бугунги кунда, юридик ва жисмоний шахсларнинг депозитлари бўйича фоиз ставкалари юқори даражадаги волатилликни намоён қилмоқда. Хусусан, 2017 йилнинг январидан то 2018 йилнинг июль ойига қадар жисмоний шахсларнинг депозитлари

бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари пасайиш тенденциясини намоён қилган бўлса (18,2 фоиздан то 15,4 фоизгача), 2018 йил октябрь ойидан 2020 йил январига қадар кўтарилган (15,4 фоиздан 20,4 фоизгача), 2021 йилги пасайишдан (17 фоизгача) 2022 йил давомида 20,8 фоизгача ошган. 2023 йил 1 январи ҳолатига 20,1 фоизни ташкил этган. Шунга ўхшаш тенденция юридик шахсларнинг депозитлари бўйича фоиз ставкалари динамикасида кузатилган. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, миллий валютадаги муддатли депозитлар бўйича реал фоиз ставкалари (инфляция даражасини инобатга олиб ҳисоблаганда) март ойида жисмоний шахслар бўйича 7,9 фоиз ва юридик шахслар бўйича 4,1 фоиз даражасида шаклланган.


Эътироф этиш зарурки, миллий валютадаги депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаларининг ўзгариши банкларнинг депозит сиёсатидаги нобарқарорлик ҳолати билан изоҳланади. Хусусан, 2022 йилнинг январь-декабрь ойлари давомида жисмоний шахсларнинг 30 кунгача бўлган депозитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари 10,9 фоиздан 12,9 фоизгача, 181 кундан 365 кунгача бўлган депозитлар бўйича 19,6 фоиздан 20,5 фоизгача кўпайган бўлса, 31 кундан 90 кунгача депозитлар бўйича фоиз ставкаси 16,6 дан 16,4 гача, 191 кундан 180 кунгача депозитлар бўйича 19,6 дан 14,8 гача пасайган. Айнан шундай ҳолат юридик шахсларнинг депозитлари бўйича ўртача фоиз ставкалари динамикасида ҳам кузатилган.



2-расм. Юридик ва жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги муддатли депозитлари бўйича ўртача фоиз ставкалари динамикаси [7], (фоизда)

Хорижий валютада жалб этилган муддатли депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари динамикаси таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ушбу фаолият йўналишидаги ҳолат миллий валютадаги депозитлардаги вазиятга айнан ўхшаш эканлигидан далолат беради. Хусусан, юридик шахсларнинг депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари 2017 январь-2018 йил октябрь ойларида 1,5 фоиздан 5,3 фоизгача кўтарилган бўлса, 2019 йил бошидаги қисқа муддатли пасайишдан сўнг яна

ошган бўлиб, 2020, 2021, 2022 йиллар давомида ўртача фоиз ставкалари 2,3-4 фоиз интервалида бўлган. 2023 йилнинг 1 январ ҳолатига келиб, фоиз ставкалари 4,3 фоиз даражасида шаклланган. 2.5-расм маълумотлари тижорат банкларининг депозит сиёсатида жисмоний ва юридик шахсларнинг хорижий валютадаги омонатлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаларини бирхиллаштиришга интилиш ҳолатидан дарак беради.



3-расм. Юридик ва жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги муддатли депозитлар бўйича ўртача фоиз ставкалари динамикаси [7], (фоизда)

Тижорат банкларига жалб этилган миллий ва хорижий валютадаги омонатлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари динамикаси таҳлили натижалари асосида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармони билан хорижий валютанинг банклар активлари ва мажбуриятларидаги улушини камайтириш, шунингдек, хорижий валютада бериладиган кредитлар турларига чекловларни жорий этиш учун макроиқтисодий шароитлар яратилиши белгиланган. Шу билан бирга, мажбуриятларнинг умумий ҳажмида хорижий валютадаги мажбуриятларнинг улушини босқичма-босқич камайтирилиши режалаштирилган;

банклар томонидан жисмоний шахсларга хорижий валютада кредитлар ажратиш қонунан тақиқланган. Ушбу қарорнинг асослилиги шундаки, мамлакат ичида ҳар қандай турдаги савдо ва хизматлар учун тўловлар миллий валютада амалга оширилади, бу эса аҳолининг чет эл валютасига бўлган эҳтимолий талабини қисқартиради. Бундан ташқари, аҳолининг валюта курси ўзгаришига нисбатан сезувчанлиги юқори эканлиги сабабли ҳам уларга хорижий валютада кредитлар тақдим этилмайди;

тижорат банкларида депозит сиёсатини ишлаб чиқишда узоқ муддатли стратегик

мўлжал мавжуд эмаслиги омонатларни жалб этиш бўйича устуворликлар ўзгаришига олиб келган. Бу бир томондан банк фаолияти ва уни тартибга солиш тизимида юз бераётган трансформацион жараёнларга мослашиш нуқтаи назаридан ижобий ҳисобланса-да, иккинчи томондан, банк мижозлари томонидан депозит сиёсатига нисбатан ишончсизлик даражасини оширувчи омил эканлигини эътироф этиш зарур;

мажбурий захиралаш инструментидан ҳам долларлашув даражасини қисқартиришда фаол фойдаланилмоқда. Бунда, банклар томонидан хорижий валютадаги депозитлари бўйича шакллантириладиган мажбурий захираларга 18 фоизлик меъёр ўрнатилган. Аммо мажбурий захиралаш базасига хорижий кредит линиялари ва банкларнинг бошқа кредиторлик қарзлари киритилмаганлиги сабабли ушбу инструментнинг кредитлар ва банк мажбуриятлари долларлашувини қисқартиришга таъсири нисбатан паст бўлиб қолмоқда;

банк мижозларининг ҳуқуқий ҳолати, жалб этиш валютаси ва депозит турларига қараб, дифференциал фоиз ставкалари ўрнатилиши (яъни, фоиз сиёсати олиб борилиши) уларни банк активларида асосий ўрин тутувчи кредитларга жойлаштиришда муайян муаммоларни юзага келтиради. Бунда жалб этилган ва жойлаштирилган маблағларнинг муддатлари ва фоиз ставкалари ўртасида номувофиқлик юзага келиши эҳтимоли ошиши назарда тутилади;

жисмоний шахслардан жалб этилаётган хорижий валютадаги омонатлар бўйича фоиз ставкаларининг пасайиб бориши (3-расм) маълум жиҳатдан аҳоли ихтиёридаги вақтинчалик бўш пул маблағлари иқтисодиётнинг реал секторидан “яширин иқтисодиёт”га оқиб ўтишига сабабчи бўлади.

Хулоса. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, хусусий ва давлат улушига эга корхоналар томонидан хорижий валютадаги кредитларга талабнинг нисбатан юқорилиги, иқтисодиётни кредитлашда ташқи молиялаштириш манбалари улушининг устунлиги ва хеджирлаш воситаларининг йўқлиги натижасида кредитлар долларлашувининг юқори даражада сақланиб қолмоқда. Шунингдек, олдинги даврларда валюта сиёсатидаги чекловлар, аҳолининг миллий валютага нисбатан ишончсизлиги, инфляциянинг нисбатан юқори даражаси, шунингдек, муқобил жамғарма инструментларининг камлиги банкларда депозитлар долларлашув даражасининг юқори бўлишига сабаб бўлган.

Бундан ташқари, яқин ва узоқ муддатли истиқболда жисмоний ва юридик шахсларнинг вақтинчалик бўш маблағларини миллий ва хорижий валютадаги омонатларга жалб этиш жараёнларини фаоллаштиришда инфляция даражасидан юқори бўлган фоиз ставкаларидан фойдаланиш самарадорлиги пасайиб боради. Хусусан, қимматли қоғозлар бозори етарли даражада ривожланмаганлиги ва тижорат банклари актив операциялари диверсификация қилинмаганлиги оқибатида тижорат банкларини асосан кредит амалиёти билан чекланишига, шунингдек, ликвидлик бўйича белгиланган меъёрларни бажариш учун маълум миқдордаги маблағларни кассада ва (ёки) Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағида сақлашига сабаб бўлади. Натижада, жалб қилинган депозитларнинг сезиларли қисми нақд пул кўринишда (касса, вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиқлари) сақланишига олиб келади. Бундан шуни қайд этиш мумкинки, ушбу маблағлар, одатда даромад келтирмайди ва банклар ундирилмаган (бой берилган) фойдани мижозларга тақдим этилаётган кредитлар

қийматига (фоиз ставкасига) киритишга мажбур бўлади. Ушбу ҳолат кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг ошишига, ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайишига, товарлар ва хизматлар нархининг ошиб боришига замин яратади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Davit Babasyan, Yunfan Gu, Martin Melecky “Late Banking Transitions. Comparing Uzbekistan to Earlier Reformers”. Finance, Competitiveness and Innovation Global Practice March 2022. <https://openknowledge.worldbank.org/handle/10986/37221>
2. Dirk F. Gerritsen, Jacob A. Bikker and Mike Brandsen (2017). Bank switching and deposit rates: Evidence for crisis and non-crisis years. Utrecht University School of Economics Tjalling C. Koopmans Research Institute Discussion Paper Series 17-18. pp 16.
3. Жураев И.И. Ўзбекистон республикаси тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлаш. иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 26 б.
4. Рўзметов Ш.Б. «Ўзбекистон тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлаш йўллари». и.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 26 б.
5. Шермухамедов Б.У. “Банклараро рақобат шароитида депозит сиёсатини такомиллаштириш йўллари” / Монография. – Т.: «Иқтисод-Молия», 2023. - 110 б.
6. Шермухамедов Б.У. Тижорат банкларида депозит сиёсатини методологик асосларини такомиллаштириш. иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2024. – 73 б.
7. www.cbu.uz – Ўзбекистон Марказий банки расмий сайти.
8. <https://www.ecb.europa.eu/pub/pdf/scpwps/ecb.wp2887~845e136b3b.en.pdf> - маълумотлари асосида.
9. <https://www.global-rates.com> – маълумотлари асосида.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ S/2 (4) – 2024

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).